

Тасдиқлайман
Узбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
Транспорт қисми Директори
Ш.Ш.Гайназаров



Тошкент шаҳар

«30» 08 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Транспорт қисми ва корхоналар ўртасида Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасига қўйилган эълоннинг бажарилиши Энг яхши таклифни танлаш учун ўтказиш бўйича тузилган комиссиянинг

71-сонли
БАЁННОМАСИ

ҚАТНАШДИЛАР

Комиссия раиси:

Бош мухандис

Эминджанов Д.М.

Аъзолари;

Омбор мудири

Гоибов А.

Таъмирлаш устахоналари

бошлиги

Эргашев Д.

Юрист

Дустов М

Бош ҳисобчи

Зияев Ф

Котиб

Болтаев Т.

Кун тартиби: Транспорт қисмига тегишли Автотранспорт воситаларига сифатли эҳтиёт қисмлар харид қилиш мақсадида Электрон савдо биржасининг энг яхши танлов ўтказиш бўлимида жойлаштирилган:

Лот №	Лот санаси	Лот мақсади	сони	Сўровноманинг жами суммаси
37407	18.08.2022- 25.08.2022	Автотранспорт воситаларига эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун	1	480.079.080

Сўзга чиқди: Бош мухандис Д.М.Эминджанов - Транспорт қисмига тегишли Автотранспорт воситаларига сифатли эҳтиёт қисмлар харид қилиш ҳамда Марказий омборда захирани кўпайтириш мақсадида электрон савдо биржасида савдога қўйилган сўровнома асосида Транспорт қисмига келиб тушган таклифлар комиссия котиби томонидан қабул қилингани ҳамда мазкур котиб ташкилотимиз комиссиясини танишриб чиқишини билдириб ўз сўзини яқунлади.

Сўзга чиқди: Комиссия котиби –Моддий техник тамиллаш бўйича бош мутахассис Т.Т. Болтаев – хақиқатан юқорида таъкидлаб ўтилган etender.uzex.uz платформасига 37407-сон лот асосида жойлаштирилган сўровнома юзасидан 3 нафар ташкилотлардан таклифлар олингани билан комиссия аъзоларини барча кўрсаткичлари бўйича автотранспортларга эҳтиёт қисмлар етказиб берилиши бўйича ташкилотларнинг таклифлари билан таништириди:

1. ООО "Mexanik Avto Parts" 443 858 025 - сўм;
2. ООО "STANDARD LEVEL" 476 595 000 - сўм.
3. ООО "GOOD WAY DEVELOPMENT" 474 452 000 - сўм.

Сўзга чиқди: Таъмирлаш устахоналари бошлиги Эргашев Д. – хақиқатан берилган таклифларнинг нархлари бўйича энг арzon таклиф берган "Mexanik Avto Parts" МЧЖ Ташкилоти томонидан намуналар олиб келингани ва ушбу намуналар хақиқатан ҳам сифатли стандарт талабларга жавоб беришини билдириб, ўз овозини "Mexanik Avto Parts" МЧЖ ташкилотига беришини ва ушбу ташкилот билан шартнома имзоланиши учун ўз таклифини бериб сўзини якунлади.

Комиссия аъзолари 3 нафар ташкилотларнинг таклиф этилган ҳужжатларини таҳлил қилиб якунда "Mexanik Avto Parts" МЧЖ ташкилоти билан шартнома тузиш таклифи берилди ва

ҚАРОР ҚИЛИНДИ

Юқоридаги фикрларни инобатга олган холда комиссия аъзоларини бир овоздан Транспорт қисмига тегишли Автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар хариди буйича нарх кўрсаткичлари талаб даражасида бўлган "Mexanik Avto Parts" МЧЖ ташкилоти билан 443 858 025 сўмлик шартнома тузиш иқтисодий жихатдан афзаллигини кўрсатиб ўтилди ва ушбу шартномани Транспорт қисми раҳбарияти томонидан тасдиқлаш ҳамда ўрнатилган тартибда тўловлани амалга оширишга тавсия этилди.

Транспорт қисмида Автотранспорт воситаларига эҳтиёт қисмлар рўйхати ва "Mexanik Avto Parts" МЧЖ шартномаси иловада тақдим этилмоқда.

Ушбу лот № 37407 раками 2 кун давомида мухакамага кўйилди, хеч қандай таклиф ва эътиroz келиб тушмади.

Юқоридаги танлов ғолиби "Mexanik Avto Parts" МЧЖ билан шартнома тузишга қарор қабул қилинди.

Комиссия раиси:

Бош мухандис

Аъзолари;

Омбор мудири

Таъмирлаш устахоналари

бошлиғи

Юрист

Бош ҳисобчи

Котиб

Эминджанов Д.М.

Гоибов А.

Эргашев Д.

Дустов М

Зияев Ф

Болтаев Т.

418-сонли шартнома

Тошкент шаҳри

2022 йил “30” Август

ООО Mеханик Авто Parts номидан низом асосида иш юритувчи Ачкасов Александр Сергеевич бир томондан (бундан буён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Транспорт қисми номидан низом асосида иш юритувчи Ш.Ш.Гайназаров, иккинчи томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) қўйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси биносидаги компьютерлар ва компьютер техникаларига хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни ва товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажralmas қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг хуқуклари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қўйидагиларни талаб қилиш:
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
- баҳосини мутаносиб равища пасайтириш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг хуқуклари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равища рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириқقا биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичida аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси **443.858.025,00** (Четыреста сорок три миллиона восемьсот пятьдесят восемь тысяч двадцать пять) сўм, КҚС билан (КҚС сиз).

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичida амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужоатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварак-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Газначилик штампида қўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда қўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни қўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати қўрсатилган ҳисобварак-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), поча орқали ёки бошқа усул билан хизматларни қўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилингандиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада қўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага кўшимча равища мижозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада қўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айборд томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплади.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки қўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори қўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки қўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Қўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли харакат (харакатсизлик) натижасида

Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги хам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шахар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиласидан ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, терористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қиласа, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига қўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичida хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгид бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш хукуқидан маҳрум қиласи.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиласидан бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишининг кутилаётган санасидан 10 (ён) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш хукуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл

билин топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро хужожатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қўйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоғлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузилиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичидаги юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро хужожатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қиласи. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва хисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

Х. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага кириллган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласди.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (күшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи:

Бараны 3 шт.

AVAYXON KO'CHASI, 98A-UY

AVAXION RO CHASI, 90
P/c: 20208000200893131001

Банк реквизитлари: АҚБ «Капиталбанк»

Мирзо-Улугбек филиали

Мирзо-Улугбек
МФО: 01018

МФО: 01018
ИНН: 305612294

ИНН: 3056122
ОКЭД: 45310

Бажарувчи:



Буюртмачи:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI TRANSPORT QISMI

АДМИНИСТРАЦИЯ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

P/c:

Л/с: Toshkent sh., Chilonzor tumani, Olmazor 4. Tel: (71) 239 55 05
Б: H/r 1000 1086 0262 9470 1120 9015 001

Банк реквизитлари: 950 364 OKED 52210

МФО Moliya vazirligi G'aznachiligi
H/r 2340-2000-2001-0000-1010

ИИН: НР 2340 2000 3001 0000 1010
МФО 00014 СТИР 201 122 919

OKEL: MFO 00014 STK 20122919

ОКЭД: _____

Figure 1. A schematic diagram of the experimental setup for the measurement of the absorption coefficient of the sample.

ZIDENTI ADMINISTRATIVI

ПРЕЗИДЕНТСТВУЮЩИЙ МИНИСТР РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Буюртмачи:



2022 йил 30 08 даги 418-
сонли шартномага 1-илова

С П Е Ц И Ф И К А Ц И Я

Т/р	Махсулотлар номи	Ед. Изм	Сони	Нархи	Суммаси
1	Фильтр масляный Мерседес-Бенц Спринтер	шт.	10	293250,00	2932500,00
2	Профильный уплотнитель масляного поддона к корпусу коробки передач A2202710380	шт.	3	235750,00	707250,00
3	Опорный тормозной диск передний Malibu-2	шт.	2	1955000,00	3910000,00
4	Опорный тормозной диск передний Соболь	шт.	2	655500,00	1311000,00
5	Клапанный блок пневмоподвески A 2123200358	шт.	1	6813750,00	6813750,00
6	Жидкость стеклоомывателя низкотемпературная -20*	лит.	50	17825,00	891250,00
7	Подшипники передней ступицы в комплекте с сальниками Соболь	к-т	2	619275,00	1238550,00
8	Автошина 245/45R19 Toyo 102Y Japan	шт.	4	4795500,00	19182000,00
9	Автошина 245/45R18 Zetun (Корея)	шт.	4	1955000,00	7820000,00
10	Катушка зажигания Малибу-1	шт.	8	782000,00	6256000,00
11	Стойка заднего стабилизатора Малибу-2	шт.	4	486450,00	1945800,00
12	Рычаг задней подвески Малибу-2	шт.	4	1946950,00	7787800,00
13	Рычаг амортизаторной стойки Mersedes Benz A 2223303307	шт.	4	7785500,00	31142000,00
14	Стойка стабилизатора спереди справа Mersedes Benz A 2223201089	шт.	2	1558250,00	3116500,00
15	Стойка стабилизатора спереди слева Mersedes Benz A 2223201189	шт.	2	1558250,00	3116500,00
16	Продольный рычаг справа Mersedes Benz A 2173305200	шт.	2	5255500,00	10511000,00
17	Продольный рычаг слева Mersedes Benz A 2173305100	шт.	2	5255500,00	10511000,00
18	Поперечный рычаг справа Mersedes Benz A 2223300607	шт.	2	8567500,00	17135000,00
19	Поперечный рычаг слева Mersedes Benz A 2223300507	шт.	2	8567500,00	17135000,00
20	Трос скорости Дамас	шт.	1	146050,00	146050,00
21	Полики салона резиновые Mersedes Benz WDD 222	к-т	1	5865000,00	5865000,00
22	Дополнительный термостат Cadillac XTS	шт.	1	2334500,00	2334500,00
23	Тройник системы водяного охлаждения Джентра	шт.	1	106950,00	106950,00
24	Колодки тормозные передние A 910 420 75 00	к-т	1	1949250,00	1949250,00
25	Датчик тормозной A 901 540 02 17	шт.	1	195500,00	195500,00
26	Проблесковые маячки предупредительные	к-т	1	2110250,00	2110250,00
27	Стабилизатор поперечной устойчивости в сборе задний Малибу-2	шт.	2	2530000,00	5060000,00
28	Шланг системы охлаждения слева A 2225014291	шт.	1	4864500,00	4864500,00
29	Вентилятор охлаждения дополнительный Ласетти	шт.	1	684250,00	684250,00
30	Сирена звуковая предупредительная	к-т	1	7728000,00	7728000,00
31	Масляный фильтр КП 1 А 2212770200	шт.	2	741750,00	1483500,00
32	Бензонасос в сборе Малибу-1	шт.	2	2921000,00	5842000,00
33	Масло полусинтетическое SHELL HELIX HX7 10W-40	литр	800	98900,00	79120000,00
34	Масло синтетическое SHELL HELIX ULTRA ECT C3 5W-30	литр	800	135700,00	108560000,00

35	Масло АКПП Мерседес-Бенц W221 A 000 989 68 05	литр	24	253000,00	6072000,00
36	Колодки тормозные передние Ласетти	к-т	50	442750,00	22137500,00
37	Радиатор охлаждения Ласетти 1,8	шт.	4	1012000,00	4048000,00
38	Колодки тормозные задние A 004 420 56 02	к-т	3	2725500,00	8176500,00
39	Радиатор отопителя Орландо	шт.	1	1167250,00	1167250,00
40	Наконечники рулевых тяг Исузу	к-т	1	279450,00	279450,00
41	Трубка тормозная Джентра	шт.	1	420325,00	420325,00
42	Колодки тормозные передние Соболь	к-т	1	177100,00	177100,00
43	Катушка зажигания Мерседес Бенс	шт.	1	1167250,00	1167250,00
44	Аккумуляторная батарея CMF56220 60Ah	шт.	15	860200,00	12903000,00
45	Вентилятор охлаждения основной Ласетти	шт.	4	1063750,00	4255000,00
46	Фильтр масляный Ласетти	шт.	100	31050,00	3105000,00
47	Втулки кулисы КПП	к-т	20	21850,00	437000,00
Жами:					443858025,00

Бажарувчи:

ООО "МЕХАНИК AVTO PARTS"

AVAYXON KO'CHASI, 98A-UY

Р/с: 20208000200893131001

Банк реквизитлари: АКБ «Капиталбанк»

Мирзо-Улугбек филиали

МФО: 01018

ИНН: 305612294

ОКЭД: 45310



Бажарувчи

Буюртмачи:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATIVASI	
TRANSPORT QISM	
АДМИНИСТРАЦИЯ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	
ТРАНСПОРТНАЯ ЧАСТЬ	
P/c:	Toshkent sh., Chilonzor tumani, Olmazor 4. Tel: (71) 239 55-05 Н/т 1000 1086 0262 9470 1120 9015 001
L/c:	STIR 200 950 364 OKED 52210 Молибденийлар Г'азначилиги Н/т 2340 2000 3001 0000 1010
Банк реквизитлари:	МФО 00014 STIR 201 122 919
ИИН:	
ОКЭД:	

Буюртмачи:

